



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 6 » may

№ 267

Toshkent sh.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ишсиз аҳолининг замонавий касб ва тадбиркорлик кўнимкамларини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 146-бандида:

ишсиз ва иш қидираётган **шахсларнинг 160 минг нафарини талабгор** касбларга ўқитиши ҳамда уларнинг камида **5 минг нафари касбий малака** даражасини тасдиқлаш ва уларга малака паспортларини тақдим этиш;

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида **Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш маркази** фаолиятини ташкил этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг:

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти ҳисобидан Корея тажрибаси асосида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги муассислигига давлат таълим муассасаси шаклидаги **Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш;

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузуридаги **Ўқув-маслаҳат** оғислари (кейинги ўринларда – Оғислар) фаолиятини трансформация қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

касбий малакани баҳолаш ва тасдиқлаш, ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталари, мухандис-усталар, педагог кадрлар ҳамда таълим фаолиятига бевосита алоқадор бошқа раҳбар-ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг миллий малака тизимини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

профессионал стандартларни ишлаб чиқишида уларни хорижий ташкилотлар ҳамда илмий ҳамжамиятлар билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш орқали такомиллаштириб бориш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

мехнат бозорида талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича мутахассислар тайёрлашга доир ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий адабиётлар яратиш.

4. Белгилансинки:

а) Марказ Корея тажрибаси асосида миллий малакани баҳолаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг миллий малака тизимига оид қонунчилик ҳужжатлари асосида касбий малакани баҳолаш, тасдиқлаш ва малака паспортларини бериш фаолиятини амалга оширади.

Бунда Марказ қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ касбий малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда аккредитациядан ўтади ва ўз фаолиятини ташкил этади;

б) Марказ фаолияти Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

в) Марказнинг ташкилий тузилмаси, штатлар жадвали, шунингдек, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари олий таълим муассасалари раҳбар, ўқитувчи ҳамда бошқа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, устама, рағбатлантириш ва мукофотлаш миқдорларига teng равишда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан мустақил белгиланади ҳамда тасдиқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

2025 йил 15 сентябрга қадар Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти ҳисобидан Марказ фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Марказ учун бино ва иншоотларни фойдаланишга топширишни таъминласин. Бунда:

Марказ унинг биноси тўлиқ қуриб битказилиб, топширилгунга қадар Тошкент шаҳар Сергели тумани Сергели – 8 мавзесида жойлашган Тошкент шаҳридаги ишсизларни касб-хунарга ўқитиши марказига тегишли бинога текин фойдаланиш хуқуки асосида вақтинча жойлаштирилсин ҳамда фаолиятини бошлаш учун етарли хоналар ажратилиши ва мебеллар, жиҳозлар, компьютер ҳамда ташкилий техника воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

2025 йил 25 октябрға қадар Марказни юқори малакали ва тажрибали кадрлар билан тұлдириш чораларини күрсін.

6. Офислар:

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартыриш ва бандлик вазирлиги тизимидағи таълим муассасаларида касб-хунар, тадбиркорлик күнімділіктерінде жаңо стандартларды қамда иш берувларнинг талабларында биноан үқув режаси, дастурлари ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириб бориш;

муҳандис усталар, ишлаб чиқариш таълими усталари ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

ишлаб чиқилган үқув режаси, дастурлари ва услубий қўлланмаларни Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалиётга татбиқ этиш чораларини күрсін.

7. Шундай тартиб ўрнатылсинки, унга кўра 2024 йил 1 июндан бошлаб:

“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиши марказларининг ўқитувчилари ҳамда муҳандис усталарини мақоми бўйича профессионал таълим муассасалари педагогларига тенглаштириш ҳамда уларга ушбу ходимлар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари татбиқ этилади;

хорижий мутахассисларга бажарилган ишлар учун тўланадиган тўлов миқдори уларнинг малакаси, тажрибаси ва уларга юкландиган иш ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартыриш ва бандлик вазирлиги томонидан белгиланади;

хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикаси га кириш визасини олишга консульлик йиғимлари ҳамда яшаш жойида рўйхатга олинганлик учун ундириладиган давлат божи “Ишга марҳамат” мономарказлари маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартыриш ва бандлик вазирлиги:

а) **2024 йил 30 декабрга қадар** ишсиз ва иш қидираётган шахсларнинг 160 минг нафарини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиши ҳамда уларнинг камида 5 минг нафари касбий малака даражасини тасдиқлаш орқали уларга малака паспортларини тақдим этиш чораларини күрсін;

б) **2024 йил 15 ноябрға қадар** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга инсон ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган касбларни мажбурий сертификатлаштириш тизимини тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин. Бунда куйидагилар назарда тутилсин:

касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари билан биргаликда инсон ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган касблар (лавозим)ларни аниқлашга доир тадқиқотлар ўтказиш;

тадқиқотлар натижасига кўра 2024–2025 йилларда босқичма-босқич мажбурий сертификатлаштириладиган касб (лавозим)ларни тармоқ ва ҳудудлар кесимида жорий этиш режа-графигини шакллантириш;

мажбурий сертификатлаштириш учун касбий фаолиятнинг муайян тури бўйича шахснинг кўникмаларини ифодалайдиган, билими, қобилияти ва маҳоратига оид талабларни ишлаб чиқиш;

мажбурий сертификатлаштириладиган касб (лавозим)ларни тажрибасинов тариқасида жорий этиш.

9. Марказ Тошкент шаҳрнинг Сергели тумани Сергели-8 мавзесида жойлашган Тошкент шаҳридаги ишсизларни касб-хунарга ўқитиш марказига тегишли ҳудудда қуриладиган бинода текин фойдаланиш ҳукуки асосида жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов